

## ЗОМИН ТАРИХИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Мусурмонов Толиб Равшан ўғли*  
*Жиззах давлат педагогика институти*  
*Тарих и факултети I-босқич магистранти.*  
*Илмий раҳбар: доц. Н.Ҳ.Пардаев*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Зомин тарихидаги муҳим рўл ўйнаган буюк ипак йўли ҳамда унинг тутган ўрни ҳақида ёзилган.

**Калим сўзлар:** *Ипак, Зомин, Ҳитой, Равот, Карвон, Эфталилар.*

**Аннотация.** В этой статье описывается великий Шелковый путь, сыгравший важную роль в истории Заamina, и его место.

**Ключевые слова:** *Шелк, Заамин, Китай, Равот, Караван, эфталиты.*

**Annotation.** This article describes the great Silk Road that played an important role in the history of Zaamin and its place.

**Key words:** *Silk, Zaamin, China, Ravot, Caravan, Nephthalites.*

Зомин тарихи Ўрта Осиёнинг бошқа кўплаб қадимий шаҳарлари каби савдо-сотиқ, шаҳар ва қишлоқлар, деҳқонлар ва чорвадорлар орасидаги ички ҳамда халқаро маҳсулотлар алмашинувидан тортиб, йирик транзит алоқалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ўзаро товар алмашинув ва савдо-сотиқ шаҳарлар тизимининг шаклланиши, тараққий этиши, турли мамлакатлар билан ўзаро боғланиш ривожига катта роль ўйнади. Халқаро савдо йўллари кўринмас, аммо мустаҳкам ришталар билан кўплаб мамлакатларни Япония ва Ҳитойдан тортиб, Ўрта Ер денгизигача, Рус ва Олтин Ўрдадан то Хинд уммонию Шимолий Африкага қадар ўлкаларни боғлаган эди.

Шарқда ҳам, Оврупада ҳам савдогарлар аҳолининг энг та-

шаббускор, жасур, эпчил, ишбилармон ва зиёли тоифаларидан бири ҳисобланган. Улар қийинчиликлардан кўрқмайдиган, ҳар қандай муҳит ва сиёсий вазиятга осон мослаша биладиган тadbиркор инсонлар эди. Уларнинг хизматидан сиёсий арбоблар ва рухонийлар тез-тез фойдаланиб туришган. Зеро, савдогарлар маълум маънода дипломат ҳам бўлганлар, тез-тез тинчликпарварлик тadbирларида қатнашганлар, аҳоли билан мулоқотда бўлишган ва ўз шаҳарларининг гуллаб-яшнашида фидойилик кўрсатганлар.

Бу карвон йўлларида ноёб товар-моллари билан бутун жаҳонга ўз шаҳарларини кўз-кўз қилган савдогарлар ўтишар эди. Шу билан бирга, улар бу ерлардан йирик шаҳарларда моҳирона ишланган сифатсиз сохта маҳсулотларнинг оммавий равишда тарқалишига тўсқинлик қилишарди. Яна бу йўллардан жаҳонгир кўшинлар ҳам, тинч аҳоли ҳам ҳаракатланар эди: меъморий кўринишини ва, хатто, номини йўқотган шаҳарлар, асосан аҳоли учун янги турар жойлар қуришни истаган, кейинчалик «Навкент» - Янгикфгон, Янгиқишлоқ... номли шаҳар ва қишлоқларга асос солган хунарамандлар ҳам бор эди.

Бир сўз билан айтганда, савдо йўллари маҳсулотлар айирбошлашда, илмий ва техник ютуқлар алмашинувида, маданият ҳамда диннинг Евроосиё сарҳадларида тарқалишида мисли кўрилмаган даражада хизмат қилган.

Даставвал қадимда ноёб ва махсус товарлар, асл металл ва зебзийнатлар ортилган карвонлар ўтадиган бир қанча турғун йўллар ажратиб олинди. Олимлар савдо алоқалари тизимига қараб, уларнинг турли йўналишлар бўйича тарқалишини аниқладилар. Масалан, «ложувард йўли» [Сарианиди, 1986], «нефрит йўли», «сувсар йўли», «олтин йўли» ва ҳ-к.

Ўрта Осиё ҳақидаги илмий адабиётларда асосий урғу тарихнинг илк даврларидаги чекка худудларга берилган ва барча дастлабки йўллар жануб мамлакатлари орқали Афғонистон, Хиндистон ва Эронга ўтгани эътироф

этилган. Бироқ тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўрта Осиёнинг жанубий худудлари аллақачонлар цивилизация шаклланган шаҳар музофотлари таркибига кирган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Сўғдиёна (у пайтларда Уструшона Сўғдиёна таркибида эди), Хоразм ва Бактриядан ахамонийлар империясига олтин, қимматбаҳо тошлар, қурилиш ашёлари ва туз етказиб берилган [Дандамаев, Луконин, 1980, 20-6].

Шунингдек, шимолий кўчманчи чорвадор қабилаларда ҳам Сибирдан тортиб то Қора денгизга қадар олди-берди қилиш имконияти бўлган. Тадқиқотлар илк савдо йўллари ахамонийлар империясининг ғаллага бой Бактрия шаҳридан ўтганини ва у, ўз навбатида, Сўғд ва Уструшона билан чамбарчас боғланганини кўрсатди. Ўрта Осиёни забт этиш даврида Сўғд кўзғолонини бостиришга мажбур бўлган македониялик Александр машҳур йўлбошчиларига таяниб, илк савдо йўлларида фойдаланган ҳолда Александрия Эсхата, яъни Чекка Александрия (Хўжанд тумани)дан қисқа йўл орқали Сўғдга ўтган. А.Грицина томонидан ўрганилган ўша давр ёдгорликлари муаллифга Зомин ва Ховос туманлари чегарасидаги йўл худуди, аввал бошда ҳозирги Зомин-Сават йўллардан анчайин шимолга қараб чўзилгани, у юнонларга қарши кўзғолонда иштирок этган уструшоналикларнинг македонияликлар томонидан тор-мор этилган турар жой манзиллари орқали ўтгани ҳақида хулоса қилиш имконини берди [Грицина, 1990, с. 18-22]. Кейинги йўл эса, бир оз жанубга қараб чўзилган бўлиб, у шимолий Туркистон тизмаси ёқалаб, Яксарт (Сирдарё) водийсини боғлайдиган ғоятда қулай йўл эди.

Археологлар томонидан Зоминдан шарқда жойлашган Гончи шаҳрида мил. авв. V-IV асрларга мансуб қишлоқлар қолдиқлари ва сопол идишлар бўлақлари, шимоли-шарқда эса мил. авв. IV—III асрларга тегишли овуллар топилгани бежизга эмас, албатта. Мил. авв. III—II асрлардаги суғд атворида мос эллин сопол буюмлари, аллақачон Зоминнинг илк қатламларида топилган эди. Олимларнинг фикрича, айнан уша пайтларда айрим хусусий савдо йўллари ўрнига Хитойдан Оврупа шаҳарларига қадар улкан

транскитъалараро йўл тушган. Ана шу йўл оркали Шарқ мамлакатларидан Ғарбга қараб қордек оппоқ чиннилар, кумуш, олтин, гиламлар, нафис матолар, қурол-яроғ, совутлар, турли хил тақинчокдар ва бошқа ноёб буюмлар ортилган карвонлар ўтган.

Нозик, шаффоф, ғоятда мустаҳкам ва ёрқин рангларга бўялган ипак Шарқнинг машҳур ва доимий транзит савдо маҳсулотларидан бирига айланади. Ипак, айниқса, ёлланма аскарлар билан нақд пул ўрнида ҳисоб-китоб қилишда хизмат қилган, у яна императорлар, мансабдорлар, зодагон аёллар ва суюқоёқ хотинларга совға тариқасида ҳам берилган, баъзи мамлакатларда ипак энг дабдабали ва маданий кийимлардан ҳисобланган. Ундаги латиф ва жонли бўёқлар, нақшлар Шарқда Коинот рамзини ифодалаган. Ипакни узук орасидан ўтказиб, унинг сифатини аниқлашган. Ипак орқали пўлат шамширнинг кескирлиги ҳам текширилган, тиғ ҳавога итқитилган ипак дуррани бир неча бўлакка бўлиб ташлаши лозим эди. Ғарб бозорларида тарозининг бир палласига ипак, иккинчи палласига эса олтин ёки кумуш қўйилган.

Ипак, нафақат Рим ва Византияда, балки Хитой империясида ҳам ғоятда қадрланган ва шуҳрат қозонган. Уни Эрон сосоний шаҳаншоҳлари, турк ҳоқонлари, Суғд, Уструшона, Чоч ва Тохаристон аслзодалари ҳам хуш кўрганлар.

Ана шу сабаб, XIX асрда Фридрих фон Рихтгофендан тортиб барча шарқшунос-тадқиқотчилар мазкур йўлларни ягона атама билан Буюк Ипак йўли, деб номлаганлар.

Ипак етиштириш ва унинг савдоси ҳақидаги ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб юрган. Ривоятларга қараганда, Хитой императорлари тут ипак қурти пилласидан тайёрланадиган ипакни ишлаб чиқариш технологиясини қаттиқ сир тутишган. Буюк Хитой девори чегарасидан ташқарига ипак қуртини олиб чиқиб кетишга уринган ҳар қандай одам қатл этилган.

Лекин шунга қарамай, ипак тайёрлаш сирини фош қилишга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб борар эди. Ровийларнинг сўзларига қараганда,

уддабурон будда роҳиблари пиллани бамбукдан тайёрланган маҳсус, ғовак асо ичига жойлашган ва Осмоноти империяси сарҳадларида кезиниб юрган бир талай сайёҳатчи қарвонлар орасида ғойиб бўлишган.

Яна бошқа бир ривоятда нақл қилинишича, кўчманчилар сардорига турмушга чиққан хитойлик малика бегона юртда нафис матодан мосуво бўлишдан қўрқиб, ипак пилласини ўзининг дабдабали соч турмаги орасига жойлаб, Хитойдан олиб чиқиб кетган. Бироқ ҳозирги кундаги илм-фан ривоят ихлосмандларининг ҳафсаласини пир қилишга мажбур. Қадимги римликлар, аллақачонлар Хитойнинг ипак тайёрлаш усулидан бохабар бўлганлар, яна улар баъзида ипакни «дарахтдаги ўргимчак толаси», деб ҳам аташган. Ипак илк ўрта асрларда империянинг энг ғарбий чегаралари ва Шарқий Туркистонда тайёрланган. Савдо-сотик гуллаган даврларда уни Эрон сосонийлари ва Ўрта Осиёнинг йирик марказлари ўзлаштириб оладилар. Ундан ташқари, ипакка босилган суғд ва сосоний нақшлари шунчалик шуҳрат қозонадики, ҳатто Осмоноти империяси ҳудудларига қадар тарқалади. Ипак тайёрлашда моҳир ҳунарманд-қосиблар сосоний ва суғд усталарига тақлид қила бошлайдилар.

Буюк Ипак йўли турли мамлакатлар халқларини иқтисодий жиҳатдан боғловчи, турли хўжалик шакллари ва узоқ муддатли хизмати билан бошқа савдо йўллари билан яққол ажралиб турган.

Манбаларда ёзилишича, милоддан аввалги III асрлардаёқ Хитойнинг ғарбдаги қўшнилари билан алоқаларни кучайтириш, мустаҳкамлашга уринишлари кузатилган. Ши-цзи хитой солномасида Хитой жун кўчманчи қабилалари ва «ерларида зиёратчилар хитой матолари, кузгу ва бамбук маҳсулотларини учратган» Бактрия [Бичурин, М.-Л., 1950, с. 153] билан савдо-сотик ишлари, айниқса, қўшнилари билан ипакни ғаллага айирбошлангани ҳақида ёзилган [Восточный Туркестан..., 1988, с. 353-356].

Лекин Ипак йўлининг расмий чизмалари бевосита Хан давлати ҳукуматининг сиёсати билан боғлиқ бўлган. Бу пайтда Хитой чегараларида кўчманчи халқлар ўртасида ўзаро низолар авж олади. Ана шу курашларда

хун кабилаларининг қўли баланд келади. Милоддан аввалги II асрларда юэчжиларга ўлпон тўловчи хунлар қўшни кўчманчи юэчжиларни тор-мор келтиради, шундан сўнг юэчжилар хунлардан қочиб Ўрта Осиёга ёпирилиб кириб кела бошлайди. Уларнинг бир қисми Чоч, Уструшона ва Суғдга ўтган бўлса, қолган қисми жанубга қараб йўл олади ва мил. авв. 110 йилга келиб, эллин давлати саналмиш Юнон-Бактрияни ер билан яқсон килади.

Хунларнинг куч-қудратидан қаттиқ ташвишга тушган Хитой императори мил.авв. 138 йилда иттифоқчи топиш мақсадида дипломатик топшириқ билан ўз амалдорларидан бири Чжан Цянни юэчжилар олдига жўнатади. Афсуски, элчи хунларга асир тушади, уларга хизмат қилади, уша ерда уйланади ва фақат ўн йил ўтиб, унга нисбатан назорат сусайгани ҳамон Фарғонага қочади. Элчи у ердан Кангюйга юборилади ва шундан кейингина юэчжилар томонга ўтиб олади. Шу тариқа топшириқ 12 йил давом этади. Лекин юэчжилар хунларга қарши курашишдан қатъий бош тортадилар. Бир йил бесамар ўтказилган музокаралардан кейин Чжан Цян бошқа йўл орқали Хитойга қайтишга аҳд қилади, бироқ У яна хунларга асир тушади ва фақат бир йилдан сўнг, мамлакатдаги ғалаёнлар сабаб қочишга муваффақ бўлади. Гарчи унга иттифоқчиларга эга бўлиш насиб этмаган бўлса-да, топшириқ ғоятда муваффақиятли яқунлангани тан олинади. Бу элчилик сафари натижасида расмий Хитой учун савдо муносабатларида нихоятда муҳим бўлган, гуллаб-яшнаётган «Ғарбий ўлка»лар кашф этилади.

Мил. авв. 119 йилда император Уди Ўрта Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида яна Чжан Цян бошчилигидаги элчилардан иборат гуруҳни ўша ўлкаларга жўнатади. Чжан Цян учун кўчманчилари худудига ўтади ва у ердан элчиларни бошқа ўлкаларга юборади. Шундан сўнг, турли мамлакатлардан Хитойга элчилар оқиб кела бошлайди, бунда Лиган (хитойликлар Римни шундай аташган) юртларига қадар мунтазам равишда карвонлар қатнови йўлга қўйилади. Албатта, мазкур йўл ягона эмасди, зеро карвонлар ўз савдо қизиқишларига мос йўлдан юрарди: кимдир марказдан марказга, кимдир маҳсус товарлар

харид қилиш учун, кимдир сиёсий мақсадларда дипломат элчилар гуруҳини кузатиб борар эди. Сиёсий беқарорлик ва жуғрофий шарт-шароитларнинг тез-тез ўзгариши сабаб, йўллар турғун эмасди. Масалан, Самарқанддан Насафга қараб иккита йўл бўлган: бири мавсумий, қисқа, аммо машаққатли, иккинчиси эса, анчайин узун, лекин беҳавотир ва барқарор.

Шаҳарлар орасида жойлашган йўлларда карвонлар ўтадиган муқим марказлар бўлган. Уларнинг орасида Суғд пойтахтидан Хитойга қараб тўрт кунлик йўл бўлган Зомин ҳам бор. У Уструшолада ҳам ички, ҳам халқаро савдо алоқаларида мудом марказ вазифасини ўтаган. У ерда хориж савдогарларининг карвонлари тўхтаб ўтган ҳамда турли йўналишларга қараб йўл олган, буюм-товарлар қайта тақсимланган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу йўллар қадим даврларда, Хан давлати пайтларидаёқ мавжуд бўлган. Бу йўллар қадим хитой манбаларида ҳам қайд этилган. Унда асосий йўл Хитойдан Нию орқали Хотан Еркент, Балх томонга, «Июша-шуй (Яксарт - Сирдарё)» дарёси бўйлаб чўзилган шимолий йўл эса Довон (Фарғона)дан Кангюй, у ердан Сирдарё ва Амударёнинг қўйи қисмида жойлашган Янцзи ва Янцай томон чўзилган. Эхтимол, ана шу пайтда македониялик Александрга кўрсатилган Довондан Хўжанд, Ховос орқали Зоминга ўтадиган йўл шакллана бошлаган, айнан ўша ердан мил. авв. биринчи асрларга тааллуқли ашёлар топилмаган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, мил. авв. II асрнинг охирига келиб, Уструшола, Хўжанд ва Фарғонанинг қадимий йўллари занжир халқаси каби Буюк Ипак йўлининг ажралмас таркибий қисмига айланди [160, 119-6].

Милоднинг биринчи минг йиллигидаёқ Буюк Ипак йўли серқатнов йўл бўлган. Биринчи минг йилликнинг ярмига келиб суғдлар, бухороликлар, уструшонликлар ва чочликлар мазкур йўлдан шарққа қараб, Шарқий Туркистонга қадар аста-секинлик билан ҳаракатлана бошлайдилар (бу пайтга келиб, йирик суғд қароргоҳлари Хитой империяси чегарасигача етган эди) [112, 8-13-6]. Лекин уларнинг йўлига ғов бўлиб, шимолда кўчманчилар, жанубда эса Эрон турарди. Қуруқликда Ғарб билан савдо қилувчи асосий

йўллар Эронга қарашли эди. АММО V, айниқса, VI асрларга келиб вазият буткул ўзгаради. Ўрта Осиёга кўчманчилар қабиласи - эфталийлар бостириб киради. Эрон сосонийлари билан баъзи бир ерларини қайтариб олиш мақсадида олиб борилган кураш, ўз навбатида, Фарғона ва Уструшона орқали савдо йўлларини янада жонлантириб юборди. Эфталийлар давлатида таназзулга юз тутган антик (қадимги) империянинг майда ер-мулк эгалари эркинликка эга бўлишади. Уларнинг ичида бир қатор майда ер мулкларини ўз ичига олган Уструшона ҳам бор эди. Хитойликлар уни Шарқий Цао, деб аташарди. Унга Зарафшоннинг юқори оқимидаги тоғли ҳудудлар, гарчи ўз хукмдори орқали алоҳида бошқарилсада Буттам, Туркистон тизмасининг шимолий тармоқлари, ғарбдаги бепоён Катван чўлидан тоғолди ҳудудларгача, у ёғи шарқдан Сирдарё бўйларигача бўлган ҳудудлар кирар эди.

VI асрнинг иккинчи ярмига келиб, вазият кескин ўзгаради. Бир неча кунлик шиддатли жанглардан кейин, «Шохнома» асарининг муаллифи таъсирчан ифодалаганидек, мухорабаларда тўкилган қондан «Гулизарриюн қирмизи рангга кирди» (асарда Сирдарё назарда тутилган - Ю.Б.). Хокимиятга улкан кўчманчилар империяси-Турк хоқонлигига асос солган янги кўчманчилар қабиласи келди. Эфталитларни тор-мор қилган турклар Буюк Ипак йўлининг катта қисмини қўлга киритди. Улар мухораба пайтида қўлга киритилган ўлжалардан ташқари, Хитойдан улпон сифатида катта миқдорда турли қимматбаҳо буюмлар, энг асосийси, ипак олишади. Туркларда ипакни Ғарбга, биринчи ўринда Византияга сотиш иштиёқи кучли эди.

567 йилда турк хоқони Истами Ғарб билан савдо-сотиқни йўлга қўйиш мақсадида, суғд савдогари Маниах бошчилигидаги элчиларни икки марта сосонийлар шохи Хусрав I олдига жўнатади. Уша пайтда Ғарбга элтўвчи йўлларнинг бир қисми шоҳга қарашли



эди. Лекин барчаси бесамар кетди. Хусрав I элчиларни хушламайгина қабул қилди ва турклар билан ҳамкорлик қилишни рад этди. Элчилар томонидан совға тариқасида олиб келинган ипак Эрон пойтахти майдонида намоишкорона тарзда ёқиб юборилди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. Биринчидан, савдо-сотикнинг асосий йўллари қўлида бўлган эронликлар уни бой беришни истамас эдилар. Иккинчидан, бу пайтда сосонийлар давлати ўзига чегарадош бўлган, кун сайин қудрати ошиб бораётган Византия билан яхши муносабатда эмасди. Эрон чегарасида мамлакатга хавф солиб турган Византия ёлланма армиясига маош, асосан ипак савдосидан келадиган даромаддан тўланар эди. Харбий аъёнлар эса, маошнинг бир қисмини ипак билан олишарди.

Рад жавобини олган турклар Эрон билан жангга тайёргарлик кўра бошлайди. Шу билан бир пайтда, Маннах бошчилигида бир гуруҳ элчилар шимол томондан сосонийлар империяси чегараларини айланиб ўтиб, Византияга қараб йўл олишади. Элчилар гуруҳи Хоразм орқали Каспий денгизидан шимолга, Кавказ орқали юришади [Дьячков-Тарасов, 1930]. Хоқоннинг совғалари қимматбаҳо ипак матолардан иборат эди. Савдо-сотик шунингдек, харбий ҳамкорликка қизиқиш билдирган император Юстин II жавоб тариқасида лашкарбоши Земарх бошчилигида элчиларни жўнатади, улар босиб ўтган йўл 568 йилда юнон тарихчиси Менандр томонидан қаламга олинган. Алалоқибат, харбий-савдо иттифоқи тузилади, тарихчиларнинг ёзишича, византиялик савдогар ва зодагонлар Эронни четлаб ўтиб, турклар орқали қимматбаҳо Хитой товарларига эга чиқиш мақсадида, улар билан бевосита алоқа боғлашга уринишади [Пигулевская, Якубовский, 1958, 65-6]. Лекин, аллақачонлар йўлларни ўз қўлида ушлаб турган хоқонлик таркибидаги суғдлар ҳам савдо-сотикдан фойда манфаатдор эдилар. Ундан ташқари, ипак суғд

хунармандчилиги марказларида ҳам тайёрлана бошланганди.

Энг қизиғи, хоқоннинг Византия элчиларига қуйган шартида темир сотиб олиш таклифи ҳам бўлган. Уша даврларда Уструшона Ўрта Осиёдаги темир ишлаб чиқариш марказларидан бири эди. Маълумки, икки томонда ҳам бир қатор савдо элчилари гуруҳи бўлган. Ўрта Осиё шаҳарларида ўтказилган археологик қазилма ишларида Византия буюмлари, кумуш идишлар ва олтин тангалар учраган. Ўрта осиелик савдогарлар фақатгина ўлкалараро савдо-сотик билан шуғулланишмаган. Хитой солномаларида ёзилишича, улар Хитойга олтин, кумуш, мис, жез, хушбуй суюқликлар, доривор ўтлар, новшадил, суғд ипаги, турли хил мато ва бошка кўплаб товарлар олиб боришган.

Ўрта Осиёдаги Буюк Ипак йўлининг энг асосий йўналишларидаги йўللardan бири Суғдга Уструшонадан Чоч ёки Хужанд орқали ўтган. Унинг энг фаол тармоғи Самарканддан тоғлар оралаб, пастқам адирлар орқали Зоминга, у ердан текислик буйлаб Сирдарёга қараб чўзилган.

Асосий савдо ва дипломатик йўллар, уларнинг тармоқлари, шохобчалари йўналишларини ўрганиш ва аниқлаш бевосита IX-X асрларда араб тилида ижод қилган географлар меҳнати билан боғлиқ. Лекин уларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, илк географлар - Кудамма ибн Жаъфар, ал-Яъкубий ва Ибн Хурдодбех ўз изланишларида араб давридан аввалги географ сайёҳларнинг расмий хужжатларидан фойдаланишган.

Кудамма ибн Жаъфар аслзода бўлиб, Барсадан эди. Халифа саройидаги почта бошлиғи лавозими унга хужжатлар билан ишлаш имконини беради. Адабиётга бўлган мухаббат эса, унинг бир қатор асарлар ёзишига туртки бўлади. Унинг «Котиб махорати ва харажат ҳақида китоб» номли асаридан бир қисмигина сақланиб қолган, ҳолос. Асарда почта маршрутлари (йўллари), вилоятлар тавсифи, уларнинг ер тузилмаси, йўллар, манзилгоҳлар, масофа ва ободончиликка оид қизиқарли бўлим бор [Крачковский, 1957, 160-

162-6).

Кудама Мовароуннахрга таъриф берганда Самарқанддан Зомингача бўлган йўлни келтириб ўтади. Пойтахтдан шарққа қараб тўрт фарсахлик (бир фарсах - 7-8 км.га тенг - Ю.Б.) йўлда Суғд тумани маркази Бузмажон, Баркат шаҳарчаси жойлашган. Кейин Уструшонага қарашли асосий йўллар бошланган. Тоғлар орасида жойлашган Хушуфагн («эзгу ибодатхонали шаҳарча») шаҳарчасига Баркатдан Катван дашти ва адирлари орқали тушган йўл билан борилган. У номаълум муқаддас ибодатхона номи билан аталган. Бизнинг тахминимизча, у Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғидаги тоғлар оралиғида, ҳозирги Авлиё қишлоғи ҳудудида жойлашган бўлиши керак. Мазкур ҳудуднинг чекка қишлоғида олиб борилган тадқиқотлар вақтида тепаликда ўрта асрларга мансуб қишлоқ ҳамда унинг теварак-атрофидаги муқаддас булоққа дуч келинган. Ҳозирги Авлиё қишлоғи масжидининг қадимий қисми катта қизиқиш уйғотди. Ундаги тоштепали ғорда, Мухаммад пайғамбар (с.а.в.) сафдошларидан бирининг ғайридинлар билан бўлган жанглarda кесилган бир бармоғи кўмилгани боис муқаддас саналиб, бу ерга масжид қурилган экан. Масжиднинг ёнида чоғроққина қадимий қабристон бор. Мазкур саждагоҳ, бу ерни исломдан аввалги давр билан боғлаб туради. Қишлоқ ҳудудида ўрта асрлардан олдин ва ўрта асрлардаги кулоллик буюмлари, турли тангалар ҳам учраган. Буларнинг барчаси қадимий Хушуфагн муқаддас Авлиё масжиди ҳудудида жойлашганлигини тахмин қилишга имкон беради. Манбалар-га кўра, айнан шу ердан тоғ бўйлаб ўтган беш фарсах йўл Бурнамад қишлоғига олиб келган. Ҳозирги кунда бу ерда Равот қишлоғи жойлашган. Таърифга кўра, мазкур жой «орқа томони тоғларга, юзи эса текисликка қараган» Бурнамад қишлоғига тўғри келмокда. Қишлоқнинг жануби-ғарбий томонидаги тоғ ёнбағрида ҳарбий иншоотларга эга анчайин катта шаҳар ҳам бўлган. Бироқ қазилма ишлари шуни кўрсатдики шаҳар, асосан мўғуллардан кейин, темурийлар давридан олдин мавжуд бўлгани боис, у ёш саналиб, Кудама давридаги Бурнамад эмаслигини кўрсатди. Ҳозирда қишлоқ ичкарасида атрофи мудофаа деворлари

билан ўралган бир қишлоқ макони мавжуд бўлиб, у хали тадқиқ этилмаган. Шунингдек, илк ўрта асрларга мансуб харобалар Равотнинг шимоли-шарқий худудида ҳам учрайди. Шу сабаб, Бурнамад билан боғлиқ изланишлар шу ердан давом эттирилиши лозим..

Ўрта осиелик археологларнинг изланишлари, Уструшона хакикатдан ҳам калъа ва кўрғонлар мамлакати бўлганлигини кўрсатди. Унинг асосий иктисодий ҳаёти Уратепа-Зомин текислиги билан чамбарчас боғлиқ эди. У хатто Зарафшон дарёсининг юқори қисми учун иктисодий-маданий марказга ҳам айланади [Негматов, 1953, 237-6.]. Таъкидлаш лозимки, айнан уша пайтда Мингда темир рудасини казиб олиш ҳамда ишлов бериш пунктлари иш бошлайди ва бу шубҳасиз. Уструшонани кейинги юз йилликларга машхур қилади<sup>3</sup>.

Туркистон тоғ тизмасидаги конлардан Хитойга жунатиладиган ноёб махсулот новшадил олинарди. Буттамнинг тоғли худудлари ҳам ўзининг полиметалл конлари билан машхур эди. Бу ерга савдогарлар турли хил товарлари билан ташриф буюришар, олиб-сотарлар эса хом ашё, чорвачилик махсулотларини харид қилиш учун келишарди.

Савдо-сотикнинг энг гуллаган даври ривожланган ўрта асрларда содир бўлган. IX-X асрларда Шарқ араб-форс жугрофий адабиётларида савдо йўллари ва шаҳарлар тавсифи анчайин кенг ёритилган.

Амударёдан Шарққа қараб чўзилган барча Ўрта Осие ерларини Мовароуннаҳр, деб атаган араблар, ушбу гуллаб-яшнаётган ўлканинг йирик шаҳарлари, ривожланган хунармандчилиги, бозорлари ва мўл-кўл товарларини кўкларга кўтариб тасвирлашган. Шунингдек, бу ердаги меҳмондўстлик, аҳолининг бадавлатлиги, хилма-хил озиқ-овқат махсулотлари ҳам бу мақтовлардан четда қолмаган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу пайтда Шарқда бадавлат савдогар ислом маданияти тарғиботчиси саналган, мусулмон савдо-сотиги эса, ўз уйида бека эди. У жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллай билди [Москамыко, 1978, 365-6], дунёнинг тўрт томонига карвону кемалар қатнай

бошлади.

Шу ўринда, X аср манбаларида келтирилган Уструшонанинг савдо йўллари ва шаҳарларига кенгрок тўхталсак. Турли даврлардаги манбаларнинг таҳлилий таққоси савдо алоқаларида шаҳарлар ролининг ўзгариши ва йўллар силжиши суръатини очиб бериши мумкин.

<sup>J</sup> Қаранг: мазкур монографияда А. М. Сверчков томонидан ёзилган бўлим.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Қадимий Зомин А.А.Грицина ва бошқалар Тошкент Мухаррир нашриёти 2018-224 б.
- 2.Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари монография М.Ҳ.Пардаев, Ж.И.Ғофуров Тошкент;Ilmiy texnika axboroti-PRESS NASHRIYOTI,2016-348  
Internet saytlari
- 3.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 4.[www.kun.uz](http://www.kun.uz)